

ДИЛОРОМ ИСМОИЛОВА

СОҒИНИБ КЕТДИМ

ШЕЪРЛАР



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Меҳр булоғи қайнаб, соғиниш даштларини обод қилади. Ургутлик истеъдодли шоира Дилором Исмоилованинг шеърлари шу меҳр булоғидан тошиб чиқади. Бу меҳр ва шеър булоғи ҳеч қачон қуримасин, завол кўрмасин деб умид қилиб, шоиранинг янги тўпламини ўқувчиларга ҳавола қиламиз.

ISBN 978-9943-08-239-7

© Дилором Исмоилова «Соғиниб кетдим». «Янги аср авлоди»,
2007 йил

СОҒИНЧ МАМЛАКАТИ

Биз анча йиллардан буён Дилором билан битта хонада, ёнма-ён столда ўтириб ишлаймиз. Баъзан соатлаб қоғозларга кўмилиб, жим бўлиб кетамиз. Кўпинча бу сукутни Дилоромнинг ҳаяжонли овози чайқатиб юборади:

– Қутлибека опа, Ургутга кетгим келяпти. Тоғларга югуриб чиққим, шамолда сочларимни байроқ қилиб чопсам, лозорларга, майсаларга: «Салом, бу мен Дилоромман, сизни соғиниб келдим!» десам...

Бошқа бир кун эса:

– Бибим (қайнонаси)ни соғиндим, бағрига бошимни қўйиб ётсам... – дейди.

Мен унинг гапларига қаттиқ ишонаман. Олис Самарқанднинг бир сокин гўшасида абадий маскан топган онасининг қабри, тупроқнинг ҳидини соғинганига ҳам, эрталаб уйда қолдириб келган хийлагина шўх, мустақил фикрли ўғли Шаҳзод, дуторларни сайратадиган қизи Дунёзодани икки соат ўтмай соғинишига ҳам ишонаман. Дилоромнинг юраги кўксининг остида эмас, устида тургандек туюлади. У ҳар бир яхшилик, ҳар бир ёмонлик, адолат, ҳақсизлик – баридан тез таъсирланади.

Энига етказса, бўйига етказолмай сарғайиб юрган талабаларни ошхонага тушликка олиб киради, уйига олиб кетади. Жомбойданми, Ургутдан дўхтир излаб келган беморларнинг олдига тушиб касалхонама-касалхона юради. Ҳатто: «Қолган умрингизни бола-чақанинг олдида ўтказинг, буёғи Аллоҳдан», дея шифокорлар жавоб берган беморларга ҳам «Дунёда нима мўъжизалар бўлмайди...» дея даво ахтаради.

Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан суҳбатлашганда, актёр:

– Адамни кўрмаганман. Овозлари ёзилган битта пластинка қолган экан. Ўша ашулани излайман, ҳеч йўқ овозларини эшитсам эди, – деган экан. Дилором ҳозир ҳам қайга борса ўша плас-

тинкани излайди. Ёдгор ака армонда кетмаса эди, дейди. Уни ана шундай лаҳзаларда яна ҳам жуда яхши кўриб кетаман.

Шоиранинг ўзи «Соғиниб кетдим» дея ўта самимий номлаган тўпламидаги шеърларини ўқиб яна ўша ҳолатга тушдим. Чунки бу шеърлар Дилоромнинг суйган, куйган, соғинган, йиғлаган, энтиккан дамларининг ўзидай самимий.

*Ватан, томирларинг бўртиб кўзимда,
Сени маҳкам қучиб ётган илдишман...*

Шоира бу фикр учун мутлақо ифода, ташбеҳ ахтармаган. Майсаларга бошини қўйиб ётгиси келадиган лаҳзалар суврати эмасми бу?

*Онанинг қўлига айланиб шоҳлар
Ердан боласининг изин излайди...*

Бу – мажнунтол. Бу сулувтолни кўплар ошиққа қиёслайди. Мен уни сувлоқда дам олаётган, кураш олди тин олаётган тулпорларга ўхшатганман. Унинг мажнунтоли – Она. Боласи изларини излаётган... Дилором онасидан болалигида айрилган, онаси анча пайт деразага қараб, тўшакда ётган. Жажжи Дилоромни «Кел, момошим» дея бемадор қўлларида ёнига чорлаган. Мажнунтолга ўхшамайдими бу?!

Дилором бошқа фикрларга ҳам ўз юраги дарчасидан ўтиб чиқади:

*... Етимлик атомдир...
... Ҳофизаси бўлгум бор бироқ
Булбуллари йўқолган юртнинг...*

Шу ва шу каби сатрларни ўқиб бу тўплам ўзига хос бир ернинг мамлакати, бу мамлакат фуқароларининг фақат юраги чўғлайди, кўнгли сўзлайди, деб ўйладим.

Албатта, муҳаррир нигоҳи билан қаралса, ўзини-ўзи такрорлаш сезилади. Аммо ҳарна бўлса-да уларнинг ҳаммаси Дилоромнинг ўз-ўзиники, шуниси муҳим. Мен мазкур китобча шоира синглим ҳаётида унутилмас бир воқеа бўлади деб ўйлайман. Ва уни одатдагидай елкасидан қучиб табриклаб қўяман: Муборак бўлсин!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
*Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.*

*УШБУ КИТОБНИ ВОЛИДАИ МУҲТАРАМАМ
МУҲАРРАМАОЙ ИБРОҲИМ ҚИЗИ
ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАЙМАН*

БОШИНГ ОМОН БЎЛСИН

Оппоқ тонгларингни севаман жондан,
Нурли чечакларни оламга сочган,
Уфқ гулшанида гунчалар очган,
Тонг – ҳали ҳеч ким гул узмаган чаман
Оппоқ тонгларингни севаман, Ватан.

Қуёшни бағрига олади осмон.
Самони тўдириб оқ кабутарлар
Тинчлик қўшиғини куйлаб ўтарлар.
Толе ярлақасин сени ҳар қачон,
Бошинг омон бўлсин Ватан-Онажон!

ЮРТ, ОЛОВЛИ ШАМОЛЛАРИНГДАН...

Юрт, оловли шамолларингдан
Тушган экан қобирғам аро
Куйламоқлик ишқи, бу олам
Гоҳ равшан, гоҳ бўлгандан қаро.
Орзуларинг қолдими доғда,
Узилганда ки меҳри риштам.
Бошга қилич келган онларда
Ўзим шайтон, ўзим фаришта.
Бўлиб қолдим ўзимга етим,
Қулоқлар – барг, кўзларим ҳам шу.
Ел уларни учириб кетди,
Чиқмади юз – қудуғимдан сув.
Нега бунча безовтасан, Руҳ,
Кўтаролмай қолдимми белим.
Хайриятки, бир юзинг ёруғ
Бойликлари улоқ ўзбегим.
Кўксимдаги энг сўнги япроқ
Қўнгунича кафтига ернинг.
Ҳофизаси бўлгум бор бироқ
Булбуллари йўқолган юртнинг.

ЮРАГИМГА ОҶАР ОҶАНГЛАР

Кўклам адирларга поёндоз ёзди,
Қушчалар чуғурлаб қанотин ёзди,
Кўйлаб ўтди кўкдан мағрур турналар,
Булбаҳорим нозли ёр билан созди.

Осмон кўнглидагин тўкиб солди дув,
Сени дараклади тилга кириб сув.
Оёқларим ўпган янги майсага,
Исмингни шивирлаб айтмоқлик орзу.

Қайдасан, овоз бер гуллар эркаси,
Лолалар безади тоғлар ўлкасин.
Сени сўроқлаган табиатга мен
Ишора қилдим чап кўксимга секин.

Сойларда боладек югурар ирмоқ,
Маржон тақар сувга эгилиб майса.
Менинг юрагимга оқар оҳанглар
Муҳаббат, ҳарорат, баҳор бор жойда.

Баҳорсан, баҳорсан, баҳорсан ўзинг.

МОТАМСАРО ОНА ҲАЙКАЛИГА

Сен озор чекмагин, бошингни кўтар,
Шаҳидлар қабрида тикка турмасин.
Баҳор гўристонни гулларга ўрар,
Уларни бемаҳал совуқ урмасин.

Машаққатлар бука олмаган қаддинг
Фарзандлар доғида дол бўлдими, дол.
Юракда қабариб чиққан жойларинг
Шамол силолмасдан шол бўлдими, шол.

Арчага суяниб йиғлар сукунат,
Жимлик айрилиқнинг созин чертарлар.
Мангу олов қалқиб ўрлар ҳавога,
Гўё чиқиб келар ватанпарварлар.

Кокиллари ўсиб кетган мажнунтол
Оча олмай сўқир кўзин бўзлайди.
Онанинг қўлига айланиб шохлар
Ердан боласининг изин излайди.

ҲАҚИҚАТ ДАРАХТИ

Бу дарахтнинг исми ҳақиқат,
Яқин ўтган замон кимлардир
Шу дарахтнинг тагига келиб,
Пул санарди ва сўзлар эди,
Қилган барча жирканч ишидан.

Дарахт куйди. Бу ҳолдан куйди,
Армонлар тўкилди замин бағрига.
Энди-чи, нур истаб чўзган қўлларин
Қуёш ўпаяпти, муқаддас қуёш.

Яна баҳор келди,
Яшил барглар – тил,
Кун сайин узайиб бормоқда
Ҳақиқатнинг бурро тиллари.

МАКТУБ

Далаларни соғиндим, опа,
Тавонимга ботган йўлларни,
Мени кўриб кулган гулларни
Соғиндим яна.

Юрагимга яқин сирдошим
Тушларимга киради сойлар.
Гўё сариқ гилосга ўхшаш
Шох учига илинган ойлар –
Соғинтиради.

Ҳар шанбада мени зор кутган
Дийдоримга тўймаган нигоҳ.
Бугун сени соғиндим жуда,
Кўз – кўрарга умидвор чироқ.

Соғиндим.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1940> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1940> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1940>